

## Бу кийимни эҳтиёт қил!



08:00 / 05.06.2020 3835

Ибн Самъоний айтади: «Бир кампир Найсабур масжидини қураётган раис Абу Али Маниъийнинг ҳузурига ярим динор турадиган кийим кўтариб келди. «Масжид қураётганингни эшитиб, мен ҳам озгина нафақа қилиб, ҳисса қўшгим келди», деди кампир раисга қараб. Раис ҳазинабонни чақириб, минг динор келтиришини буюрди. Кампир олиб келган кийимни минг динорга сотиб олди. Ҳазинабон кийимни олгач, раис унга қараб: «Мана бу минг динор – кампирнинг номидан масжид қурилиши учун эҳсон. Бу кийимни эса менинг кафанлигим учун сақлаб қўй, Аллоҳ таолога шу кийимда йўлиқаман», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**